



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil «15» апрель

№ ПҚ–142

## **Қарздорлик ҳисобига банклар балансига олинган мол-мулклар реализациясини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Муддати ўтган қарздорликни ундириш механизмларини такомиллаштириш ва банк балансидаги ҳаракатсиз мол-мулкларни сотиш имкониятларини ошириш орқали банкларни молиявий соғломлаштириш ҳамда қайтган молиявий ресурс ҳисобидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

### **I. Мақсадлар**

1. Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб банклар балансидаги ҳаракатсиз мол-мулклар улушини камайтириш, жумладан, **2025–2026 йилларда** камида **4 триллион сўмлик** ушбу турдаги мол-мулкларни сотиш белгилансин.

### **II. Қарздорлик ҳисобига банк балансига олинган мол-мулкларни сотишни жадаллаштириш**

2. **2025 йил 1 майдан** бошлаб устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган банкларга (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги банклар) ва улар ҳузуридаги инвестиция компанияларига аукционда сотилмасдан қарздорликларни сўндириш эвазига **банк балансига олинган мол-мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга**, шу жумладан, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш, лизинг шартномалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали сотишга **рухсат этилсин.**

3. Тижорат банкларига қарздорликларни сўндириш эвазига банк балансига қабул қилинган бино-иншоотлар, технологик ускуналар ва бошқа мол-мулклар негизда тижорат банклари ҳузуридаги инвестиция компаниялари орқали тўхтаб қолган **ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини тиклаб**, уларни тайёр бизнес сифатида **салоҳиятли инвесторларга сотиш** ҳуқуқи берилсин.

### III. Қарздорликларни сўндириш жараёнини тезлаштириш

4. Марказий банк ва Олий суднинг **2025 йил 1 сентябрдан** даъво аризаси бўйича ишни **содаллаштирилган иш юритиш тартибида** кўриб чиқиш учун даъвонинг максимал баҳосини юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир юз эллик** бараваригача, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан **юз** бараваригача, жисмоний шахсларга нисбатан **эллик** бараваригача **ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Бош прокуратура Марказий банк ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** мажбурий ижро жараёнида аукционда сотилмаган мол-мулкларни ундирувчига беришнинг қуйидаги тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

(а) мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи идоралар томонидан мол-мулкларга нисбатан қўйилган **барча тақиқларни давлат ижрочисининг қарори асосида ечиш**;

(б) давлат ижрочисининг қарори унда **кўрсатилган шахсга мол-мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш** (ҳисобга қўйиш) учун асос бўлиб ҳисобланиши;

(в) мол-мулк бўйича мавжуд **мажбуриятлар унинг собиқ эгаси** – қарздор зиммасида қолиши, мазкур мажбуриятларни бажаришни ундирувчи ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган ҳолатлар бундан мустасно.

6. Олий суд, Марказий банк ва Мажбурий ижро бюроси **уч ой муддатда** тегишлилиги бўйича Олий суд, Мажбурий ижро бюроси, банклар ва бошқа молия ташкилотлари ўртасида суддаги ишлар ва ижро ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибда **ахборот алмашинувини йўлга қўйсин**.

#### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
8. Марказий банк манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Марказий банк раиси Т.А.Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш  
ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4231-сон қарорида:

(а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ”;

(б) қуйидаги мазмундаги 6<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“6<sup>2</sup>. Республика комиссиясига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратишнинг миқдорлари ва шартларига ўзгартириш киритиш ваколати берилсин”;

(в) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги  
чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича  
республика комиссияси**

**ТАРКИБИ**

Ж.А.Қўчқоров	–	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири, <i>Республика комиссияси раиси</i>
Т.А.Ишметов	–	Марказий банк раиси
Б.Э.Захидов	–	камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
И.И.Норқулов	–	иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
А.А.Камалов	–	Марказий банк раиси ўринбосари
<i>Лавозими бўйича</i>	–	лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари раҳбарлари

**Изоҳ:** Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади”.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5041-сон қарорининг 3-бандида:

(а) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(б) олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(в) бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган фуқароларга ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиш масъулияти тижорат банклари билан бирга мос равишда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимлари, туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасига юклатилади”.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5197-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиш, бундан аукционда сотилмасдан қарздорликларни сўндириш эвазига банк балансига олинган мол-мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотиш, шу жумладан, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш, лизинг шартномалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиш мустасно”.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–55-сон қарорида:

(а) 1-банднинг “в” кичик банди “қарз олувчига берадиган тавсияси асосида” сўзларидан кейин “шунингдек, маҳсулот етказиб берилганлиги (хизмат кўрсатилганлиги) маҳалла банкири томонидан тасдиқлангандан сўнг” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 2-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги “сектор раҳбарлари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

(в) 5-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга кредит ажратилиши уларни ушбу дафтарлардан чиқариш учун асос ҳисобланмайди ва фуқаролар мазкур дафтарлардан амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ чиқарилади”;

(г) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ҳамда сектор раҳбарлари” сўзлари чиқариб ташлансин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–306-сон қарорининг 10-бандидаги “Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада” сўзлари “17,5 фоиз ставкада” сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–149-сон қарорининг 2-бандида:

(а) саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аҳоли томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилишни истаган Камбағал оилалар реестри ва Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оилаларга иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, паррандачилик, қуёнчилик, томорқага мавсумий экинлар экиш учун кредитлар нақд пулда берилиши мумкин”;

(б) тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 373-сон қарорида: 4-банддаги “сектор раҳбарлари билан биргаликда” сўзлари чиқариб ташлансин; илованинг 47-банди олтинчи хатбошисидаги “сектор раҳбарлари ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 28-банди қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилганда мазкур мол-мулкни сотиш бўйича аукцион қадами ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилган тартибда белгиланади”.

Изоҳ: ушбу илованинг 3-банди 2025 йил 1 майдан бошлаб кучга киради.





# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 15 » апреля

№ ПП–142

## **О мерах по ускорению реализации имущества, принятого на баланс банков в счет задолженности**

В целях финансового оздоровления банков путем совершенствования механизмов взыскания просроченной задолженности и увеличения возможностей реализации имущества, находящегося без движения на балансе банка, а также расширения финансирования деятельности субъектов предпринимательства за счет возвращенных финансовых ресурсов **постановляю:**

### **I. Цели**

**1.** Определить основной целью принятия настоящего постановления снижение доли имущества, находящегося без движения на балансе банков, в том числе реализацию данного вида имущества суммой не менее **4 триллионов сумов в 2025–2026 годах.**

### **II. Ускорение реализации имущества, принятого на баланс банка в счет задолженности**

**2. С 1 мая 2025 года** разрешить банкам, в уставном фонде которых государственная доля составляет 50 процентов и более (далее – банки с государственным участием), и инвестиционным компаниям при них **прямую реализацию по рыночной стоимости имущества, не реализованного на аукционе и принятого на баланс банка в счет погашения задолженностей, в том числе реализацию такого имущества путем договоров кредита, оплаты в рассрочку, лизинга или других сделок, не запрещенных актами законодательства.**

3. Предоставить коммерческим банкам право на реализацию в качестве готового бизнеса потенциальным инвесторам зданий и сооружений, технологического оборудования и другого имущества, принятых на баланс банка в счет погашения задолженностей, с восстановлением на их базе **приостановленной производственной (обслуживающей) деятельности посредством** инвестиционных компаний при коммерческих банках.

### III. Ускорение процесса погашения задолженностей

4. Согласиться с предложением Центрального банка и Верховного суда о повышении с **1 сентября 2025 года** максимальной цены иска для рассмотрения дела по исковому заявлению **в порядке упрощенного производства** юридическим лицам – до **150-кратного** размера базовой расчетной величины, индивидуальным предпринимателям – до **100-кратного** размера базовой расчетной величины и физическим лицам – до **50-кратного** размера базовой расчетной величины.
5. Генеральной прокуратуре совместно с Центральным банком и Министерством юстиции **в двухмесячный срок** внести в Законодательную палату Олий Мажлиса проект закона, предусматривающий следующий порядок передачи взыскателю имущества, не реализованного на аукционе в процессе принудительного исполнения:
  - (а) **снятие на основании решения государственного исполнителя всех запретов, наложенных на имущество** ведомствами, осуществляющими государственную регистрацию права собственности и иных вещных прав;
  - (б) рассмотрение решения государственного исполнителя в качестве основания для **регистрации (постановки на учет) права на имущество лицу, указанному в данном решении;**
  - (в) оставление имеющих по имуществу **обязательств за его прежним владельцем** – должником, за исключением случаев добровольного принятия взыскателем исполнения данных обязательств.

6. Верховному суду, Центральному банку и Бюро принудительного исполнения **в трехмесячный срок** в установленном порядке **наладить обмен информацией** по судебным делам и исполнительным документам между Верховным судом, Бюро принудительного исполнения, банками и другими финансовыми организациями соответственно.

#### **IV. Организация, обеспечение исполнения постановления и контроль**

7. Внести изменения и дополнения в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению.
8. Центральному банку совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.
9. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и председателя Центрального банка Ишметова Т.А.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

**Изменения и дополнения, вносимые в некоторые постановления  
Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан**

1. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 марта 2019 года № ПП–4231 «О дополнительных мерах по широкому привлечению населения к предпринимательству и развитию семейного предпринимательства в регионах»:

а) абзац второй пункта 1 изложить в следующей редакции:

«Республиканскую комиссию по организации и координации исполнения мер в рамках программ развития семейного предпринимательства (далее – Республиканская комиссия) согласно приложению № 1»;

(б) дополнить пунктом б<sup>2</sup> следующего содержания:

«б<sup>2</sup>. Предоставить Республиканской комиссии полномочие по внесению изменения в размер и условия выделения кредитов в рамках программ развития семейного предпринимательства»;

(в) текст приложения № 1 изложить в следующей редакции:

**«СОСТАВ**

**Республиканской комиссии по организации и координации исполнения мер в рамках программ развития семейного предпринимательства**

Кучкаров Д.А.	–	заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан – министр экономики и финансов, <i>председатель Республиканской комиссии</i>
Ишметов Т.А.	–	председатель Центрального банка
Захидов Б.Э.	–	министр занятости и сокращения бедности
Норкулов И.И.	–	первый заместитель министра экономики и финансов
Камалов А.А.	–	заместитель председателя Центрального банка
<i>По должности</i>	–	руководители коммерческих банков, участвующих в финансировании проектов

**Примечание:** при переходе членов Республиканской комиссии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций».

**2.** В пункте 3 постановления Президента Республики Узбекистан от 27 марта 2021 года № ПП–5041 «О дополнительных мерах, осуществляемых в рамках программ развития семейного предпринимательства»:

(а) абзац пятый исключить;

(б) абзац шестой считать абзацем пятым;

(в) абзац пятый изложить в следующей редакции:

«на районные (городские) отделы Ассоциации махаллей Узбекистана, районные (городские) отделы по делам молодежи, а также председателей сходов граждан махаллей наряду с коммерческими банками возлагается ответственность за ведение мониторинга целевого использования кредитов, выделенных гражданам, включенным в «Женскую тетрадь», «Молодежную тетрадь» и «Железную тетрадь, соответственно».

**3.** Абзац второй пункта 3 постановления Президента Республики Узбекистан от 24 июля 2021 года № ПП–5197 «О мерах по упрощению порядка проведения электронных онлайн-аукционов, повышению прозрачности и гарантированию надежной защиты прав их участников» изложить в следующей редакции:

«реализацию долей, недвижимого имущества, автотранспортных и иных основных средств юридических лиц, в уставном фонде которых государственная доля составляет 50 процентов и более, а также юридических лиц, в уставном фонде которых 50 процентов и более принадлежит юридическим лицам, в уставном фонде которых государственная доля составляет 50 процентов и более (далее – предприятия с государственным участием), за исключением прямой продажи по рыночной стоимости имущества, не реализованного на аукционе и принятого на баланс банка в счет погашения задолженностей, в том числе реализацию такого имущества путем договоров кредита, оплаты в рассрочку, лизинга или других сделок, не запрещенных актами законодательства».

**4.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 декабря 2021 года № ПП–55 «О дополнительных мерах по развитию семейного предпринимательства и расширению источников доходов населения»:

(а) подпункт «в» пункта 1 после слов «в закрепленной за ним махалле» дополнить словами «а также после подтверждения банкиром махалли доставки продукта (предоставления услуги)»;

(б) из абзаца одиннадцатого пункта 2 слова «руководителями секторов и» исключить;

(в) абзац третий пункта 5 изложить в следующей редакции:

«выделение кредита гражданам, включенным в «Железную тетрадь», «Женскую тетрадь» и «Молодежную тетрадь», не является основанием для их исключения из данных тетрадей, граждане исключаются из данных тетрадей на основании порядка, установленного действующими актами законодательства»;

(г) из абзаца второго пункта 11 слова «а также руководители секторов» исключить.

**5.** В пункте 10 постановления Президента Республики Узбекистан от 14 сентября 2023 года № ПП–306 «О мерах финансовой и институциональной поддержки развития малого бизнеса» слова «превышающей основную ставку Центрального банка на 4 процентных пункта» заменить словами «17,5 процента».

**6.** В пункте 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 2 апреля 2024 года № ПП–149 «О дополнительных мерах по совершенствованию финансирования бизнес-инициатив населения в рамках программ развития семейного предпринимательства»:

(а) абзац восьмой изложить в следующей редакции:

«для налаживания бизнеса на приусадебной земле населения – семьям, включенным в Реестр бедных семей и Единый реестр социальной защиты, желающим заниматься предпринимательством с использованием своих внутренних возможностей, на строительство теплиц, выращивание скота, птицеводство, кролиководство, посев сезонных культур на приусадебной земле»;

(б) абзац девятый исключить.

**7.** В тексте на государственном языке постановления Кабинета Министров от 8 июля 2022 года № 373 «Об утверждении Положения о порядке предоставления кредитов через единую электронную платформу программ развития семейного предпринимательства»:

из пункта 4 слова «сектор раҳбарлари билан биргаликда» исключить;

из абзаца шестого пункта 47 приложения слова «сектор раҳбарлари ва» исключить.

**8.** В тексте на государственном языке пункта 28 Положения о порядке организации и проведения электронных онлайн-аукционов и конкурсов на электронной торговой платформе «E-auksion», утвержденного постановлением Кабинета Министров от 12 января 2022 года № 18, дополнить абзацем пятым следующего содержания:

«Ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилганда мазкур мол-мулкни сотиш бўйича аукцион қадами ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилган тартибда белгиланади».

Примечание: пункт 3 настоящего приложения вступает в силу с 1 мая 2025 года.

